БАДИИЙ ЗАМОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Б.Тўраева

Мақолада бадиий замон концепциясининг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиш ҳолати ёритилган, бу йўналишдаги долзарб муаммоларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: *бадиий вақт, эпик вақт, роман, бадиий макон, хронотоп, хронос, сюжет чизиғи.*

В статье освещено состояние изучения концепции художественного времени в узбекском литературоведении, указаны актуальные моменты данной проблемы.

Ключевые слова: *художественное время, эпическое время, роман, художественное пространство, хронотоп, хронос, линия сюжета.*

The article deals with the concept of literary time, the degree of its comprehensive study in the world literary criticism as a literary-aesthetic category.

Key words: *artistic time, epic time, novel, artistic space, chronotope, chronos, story line.*

Марказий Осиё минтақасида бадиий замонни илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганиш илк бор Ўзбекистонда амалга оширилди. Н.Шодиевнинг «Горизонты эпоса» («Эпос уфқлари») китобида минтақа адабиётида мавжуд йирик эпик шаклларда бадиий замон поэтикасининг ўзига хос жанрий хусусиятлари типологик-концептуалликда илмий умумлаштирилди [1.101-146]. Н.Шодиев эпик шакллар бадиий замон поэтикаси хусусидаги илмий-назарий хулосаларини академик Д.С.Лихачевнинг «Асар замони ҳамиша китобхон замони билан маълум маънода конфликтда бўлади. Умумий ҳолда адабий асарнинг абадийлиги, реал замонни четлаб, унинг устидан ғолиб бўлиши учун курашидир» [2.334], деган эътирофи билан якунлар экан, ушбу курашда сўз санъати ўзининг ноёб намуналари билан ҳамиша музаффарлигини асослаб беради.

Э.Абуталиева «Ўрта Осиё русийзабон прозасида макон ва замон» номли номзодлик диссертациясида минтақанинг икки русийзабон адиби – Темур Пўлатов ва Темур Зулфиқоров ижоди мисолида хронотоп муаммосини тадқиқ этди [3.158]. Олима асосий эътиборини макон ва замон категорияларига ҳамда сюжетнинг айрим масалаларига замоннинг ритми ва поэтикаси, мифопоэтик тимсоллар ва хронотоп мавзуларига қаратади.

И.Ғаниевнинг «Фитрат драмалари поэтикаси» номли докторлик ишида драматик оламнинг «маконий-замоний» чегараларини аниқлашга, драмаларнинг хронотопик харитасини чизишга ҳаракат қилинган. Ҳар бир асар воқеаси кечган макон ва замон аниқланган, муайян драмада акс этган макону замоннинг реал макон ва замонга муносабати тадқиқ этилган [4.89-127].

Хронотопга янгича назарий қарашлар, жаҳон адабиётшунослигида мавжуд мезонлар асосида таҳлилий-талқиний ёндашув Баҳодир Каримнинг «Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин» монографиясида кўзга ташланади [5.231]. Б.Карим «Ўткан кунлар» романи эпик-тарихий замони ҳамда бадиий маконини янгича нуқтаи назардан ўрганишга интилиш ибратини намойиш қилган. Олим ўз танқид, таҳлил ва талқинларида эркин, шу боис роман замони ва роман макони – яхлит хронотопи олимнинг зоҳиридан ботинига, жисмидан руҳига, қалбига, ўзи таъкидламоқчи, «онг ости сезимига кўчиб ўтган»дек. «Қодирий насри – нафосат қасри» китобидаги «Роман ичидаги замон» мақоласида воқеа-ҳодисаларнинг ишончлилик қувватини ошириш учун муаллиф ўз дунёқараши, фаҳм-фаросатига қараб астрономик замондан турли йўсинда фойдаланиши ҳамда бадиий асарда замон физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчишини мисоллар орқали таҳлил қилиб, «Ўткан кунлар»да беш-олти йиллик замон борлигини аниқлайди ва илмий шарҳлайди [6.23-29]. Олим романдаги кунлик замон қисмларнинг намоз замонлари негизида белгиланиши индивидуал услуб, поэтик тизим ҳолатига келганлигини илмий-таҳлилий изоҳлайди.

Ғ.Муродов ва Д.Темированинг «Тарихий романда сюжет муаммоси» рисоласида тарихий хронотоп ва сюжет муаммоси тадқиқ этилган. Хронотоп бадиий асар жанрини белгилаб, тайинлаб берувчи шаклий-мазмуний категория эканлиги, бадиий хронотоп ва эпик сюжетнинг ўзаро мувофиқлиги, тарихий шахслар образларини реалистик ижодий метод тамойилларига асосан ишонарли тасвирлаб беришига имконият, адабий-бадиий замин, асос яратиб бериши таъкидланган. Бадиий замон ва бадиий маконнинг нафақат кўламдорлиги, шунингдек, уларнинг тарихан аниқлиги, бадиий-эстетик жиҳатдан далилланганлиги сюжет тармоқларига алоқадор-

лик даражаси, қаҳрамонлар ички дунёсининг кўп қатламлилиги Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» романи мисолида таҳлил этилган [7.12].

А.Носировнинг «Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини» мавзусидаги номзодлик диссертациясининг «Замон ва тасвир» деб номланган иккинчи фаслида «Юлдузли тунлар» романида Бобур яшаган замонни, айниқса, темурий шаҳзодаларга хос бўлган ҳаёт тарзини, тарихий шароит ва муҳитга хос бўлган белгиларни типиклаштириб, улар бадииятнинг теран мезонлари асосида эпик маҳоратда юксак ёритилганлигини тадқиқ қилган. Тадқиқотда, шунингдек, романда бадиий талқин қай даражада мозий ҳақиқатига мувофиқ келиши «Юлдузли тунлар»да тарихий шароит – замон тасвирининг бадиий ўзига хослиги, тарихий шахс образининг яратилиш «сир»лари билан боғлиқ ёзувчининг ижодий маҳорати таҳлил этилган [8.30-54].

А.Тўйчиевнинг «Ўзбек романларида макон ва замон» монографиясида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романларида макон ва замон акси, муносабати, маконий-замоний манзаралар ва бадиий тўқима образлар тадқиқ этилган. Муаллиф тарихий романда хронотопнинг аҳамиятини қуйидагича эътироф этади: бадиий макон ва замон поэтиканинг муҳим категорияси ҳисобланиб, воқеаликнинг нафақат кўламдорлигини, кенглигини таъминлайди, балки уларнинг тарихан аниқлиги, бадиий-эстетик жиҳатдан далилланганлиги, фикр-туйғулар оқими, ҳаракатлари романни йирик эпик шакл сифатида кўрсатиб, белгилаб туради [9.124].

М.Умарованинг «Тарихий драмада бадиий замон концепцияси» мавзусидаги номзодлик диссертациясида Фитрат ва Шекспир трагедияларида бадиий замон муаммоси қиёсий аспектда ўрганилган [10. 24]. Тарихий драмада замон концепциясининг адабий асар таркибидаги ўрни, унинг бадиий имкониятлари, Шекспирнинг «Ричард III» ҳамда Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий асарлари қиёсий тадқиқ қилинган. Тадқиқотчи драмалар таҳлилига ўзаро таъсир нуқтаи назаридангина эмас, балки компаративистик таҳлил имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашган. Муаллиф Шекспир ва Фитрат драмаларида бадиий замон концепцияси қиёсида икки буюк драматургнинг ижодий услубларидаги муштарак ва фарқли хусусиятларни қуйидагича шарҳлайди: Шекспирнинг ҳақиқий қаҳрамони бугунги кун. Шунинг учун ҳам унчалик узоққа чўзилмаган Ричард III ҳукмронлиги даврини кўрсатиш билан Шекспир Англиянинг бугуни, яъни ўзи яшаган даврини кўрсатмоқчи бўлади. Шекспирнинг туш замони орқали бадиий замоннинг поэтик имкониятларидан фойдаланиб, Бугун ва Келажакни бир пайтда юзлаштиради, бугуннинг зулми, келажак умиди некбинлик билан бадиий асарни ниҳоялашга олиб келади. «Абулфайзхон» драмасида «Ричард III» трагедиясига ўхшаш замон ва макон бир бутунликда ифодаланади. Иккала муаллиф драмаларида бадиий замон тушунчаси асар матнининг шаклланишида иштирок этувчи шунчаки компонентлардан бири эмас, балки асар сюжети ва композицияси, қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳамда тақдири, драмалар замонларининг ифода шакллари, жанр ва услубий хусусиятлари тизимида ўзига хос муаллифлик концепцияси сифатида намоён бўлади [11.130].

У.Жўрақулов «Назарий поэтика масалалари» китобининг «Бадиият ва назария» деб номланган биринчи бўлимида атоқли назариётчи Михаил Бахтиннинг илмий-назарий кашфиётлари, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида хронотоп шакллари, «Лайли ва Мажнун» достонида трагик вазият хронотопи ҳақида тўхталган. М.Бахтин кашфиётларидан хронотоп назариясини изоҳлаб, уч омил асосида, яъни а) Европа илмий-адабий тафаккурида марказий ўрин тутувчи Аристотель «Поэтика»сидан Михаил Бахтингача бўлган назарий адабиётшунослик, уларда қайд этилган канонлар, категориялар ва мезонлар тизимини; б) М.Бахтин илмга кириб келаётган даврларда рус адабиётшунослигида рўй берган концептуал ўзгаришлар, академик мактаблар, хусусан, А.Н. Веселовский асос солган тарихий поэтика – эстетик тафаккурни адабий-тарихий аспектда ўрганиш, назарий ва тарихий аспект синтези натижасида майдонга келган методология – бахтинона назарий тафаккурни ҳаракатга келтирганини; в) соф бахтинча фалсафий тафаккур учун интуитив мушоҳада, бадиий таҳлил, эркин тафаккур хизмат қилганини текширади [12.74].

У.Қаршибаева Шатобриан прозасида замон ва макон тавсифини [13], Ў.Назаров эса О.Мухтор романларида хронотопнинг шакллари, бадиий-функционал аҳамияти, бадиий замон ва бадиий маконнинг ўзаро уйғунлигини ўрганган [7].

Мавжуд тадқиқотларда тарихий романларда бадиий замон муаммоси яхлит мундарижада тадқиқ этилмаган. Шуни инобатга олиб, тарихий романларда бадиий замон муаммосини монографик тарзда ўрганишга тўғри келади. Фикрлар хилма-хиллиги, жумладан, илмий тафаккур плюрализми шароитида, албатта, ҳар қандай мутахассис ўз қараш ва тушунчаларини очиқ билдириш имкониятига эга. Миллий адабиётшуносликда бадиий замон, қисман бадиий макон ва уларнинг узвийлигига асосланган хронотоп муаммосига бағишланган ишлар юзасидан қуйидаги умумлашма хулосага келиш мумкин:

1. Адабиётшунослик учун бадиий замон, бадиий макон, хронотоп сингари янги муаммоларни

илмий ўрганишга киришишдан олдин уларнинг назарий-методологик асос-манбаларини концептуал яхлитликда мукаммал, мақсадли ўрганиш лозим бўлади.

2. Бадиий замон, бадиий макон, хронотоп назарияларини методологик яхлит тизимлаштириш ва унинг негизидаги муаммоларнинг турли жиҳатларини муштарак бир бутунликда ўрганиш зарур.

Адабиётлар:

1. Шодиев Н. Горизонты эпоса: Худож.-эстет. Богатство эпической прозы литератур Средней Азии и Казахстана. – Т.: Изд-во лит. и искусства, 1986. – С.176.

2. Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы /Избранные работы в трех томах. Т. 1. – Л.: Худ. лит. Ленингр. отд-е, 1987. – 496 с.

3. Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульфукарова): Дисс. ... канд.филол. наук. – Ташкент, 1993. –158 с.

4. Ғаниев И. М. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. ... док. дис. – Т.: ЎзРФА, 1998. – 299 б.

5. Карим Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Т.: Фан, 2006. – 231 б.

6. Карим Б. Қодирий насри – нафосат қасри. – Т.: O`zbekiston, 2014.

7. Муродов Ғ., Темирова Д. Тарихий романда сюжет муаммоси. – Т.: Фан, 2008. – 40 б.

8. Носиров А.Н. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини («Юлдузли тунлар» романи мисолида): Филол.фан.ном. ... дисс. – Т., 1999.

9. Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. – Т.: Mumtoz so`z, 2009.

10. Умарова М. Ю. Тарихий драмада бадиий замон концепцияси: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. –Т., 2011. – 24 б.

11. Умарова М. Тарихий драмада бадиий замон: Шекспир ва Фитрат. – Т.: Mumtoz so`z, 2013. – 130 б.

12. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 354 б.

13. Қаршибаева У.Д. Француз романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари: Филол. фан. док. ...дис. – Т., 2016. – 221 б.

14. Назаров Ў. Романда бадиий хронотопнинг ўзига хослиги. – Т.: Турон замин зиё, 2014. – 140 б.

Бухоро давлат университети,
2017 йил 15 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.Исмоилов)